ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУМБЕКОВА ЯРКИНАЙ АНАРМАТОВНАНИНГ

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2020

УДК 371.035.2

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) попедагогическим наукам

Contenus of dissertation abstract of doctor of philosohy (PhD) on pedagogical sciences

Нурумбекова Яркинай Анарматовна
Бўлажа ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш 5

Нурумбекова Яркинай Анарматовна
Совершенствование системы духовно-нравственной подготовки будущих преподавателей.....21

Nurumbekova Yarkinay Anarmatovna
Improving the system of spiritual and moral-spiritual training of future teachers 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....44

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУМБЕКОВА ЯРКИНАЙ АНАРМАТОВНАНИНГ

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3. PhD/Ped 559 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "Ziyonet" ахборот-таълим портали (www. ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Рахимов Бахтиёр Худайбердиевич** педагогика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Хакимова Муҳаббат Файзиевна** педагогика фанлари доктори, профессор **Ибрагимов Холбой Ибрагимович** педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "__ " ____ кун соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй Тел.: (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин_____ рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй Тел.: (99871) 276-79-11; факс (99871) 276-80-86; e-mail:_kengash@edu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил "____"_____датарқатилди
(2020 йил "__"_____даги_____рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,п.ф.д.,
проф.,академик

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.н.,доцент

А. Махмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинарраиси,
DSc., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлашда таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги ва узвийлигини таъминлаш, маънавий-ахлоқий компетентликни такомиллаштиришнинг педагогик ва психологик имкониятларини кенгайтириш механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. АҚШ, Англия, Германия, Япония, Франция ва Россия давлатларида бўлажак ўқитувчиларни касбий компитентлигини таъминлаш билан бир қаторда юксак маънавий-ахлоқий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу нуқтаи назардан бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб эжтмоқда.

Жаҳон олий таълим муассасаларида касбий педагогик фаолиятни такомиллаштириш мазмунида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш,унинг диагностик тизимини амалга ошириш, талабаларда маънавий-ахлоқий сифатлар уйғунлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.Ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг бой миллий маданий ва тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмларини ишлаб чиқиш, ҳамда таълимни инсонпарварлаштиришнинг устуворлигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг моддий-техника базаси ҳамда назарий-методологик асослари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди. Педагогик технологиялар татбиқи миллий тарбия мазмунига мувофиқлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сонли Фармонининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” йўналишида қайд этилган “... умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш”[1] да бўлажак ўқитувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Натижада бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-3775-сон Қарори, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.Тошкент 2017й, 6-сон,70-модда.

ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари” тўғрисида ПҚ-3907-сон қарори, 2019 йил 3 апрелдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-4307-сон Қарори, 2019йил 19 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, саънат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалалари”га бағишланган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббуси шунингдек, соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни, ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш муаммолари А.Абдуқодиров, А.Атоев, Ҳ.Абдукаримов, Ш.Абдуллаева, М.О.Ашуров, А.Бекмуродов, Р. Жўраев, Х.Ибрагимов, Ж.Ғ.Йўлдошев, О.Мусурмонова, С.Нишонова, М.Носиров, Ш.Олимов, Н.Ортиқов, А.Пардаев, Б. Рахимов, Д.Рўзиева, З.Солиева, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов, С.А.Усмонов, М.Қуронов, Ш.Қурбонов, Н.Эгамбердиева, Ж.Ҳасанбоев, О.Ҳасанбоева, М.Хакимоваларнинг илмийишларида тадқиқ этилган.

Россия ва МДҲ давлатларида А.В.Петровский, А.В.Фахрутдинова, А.И.Герцен, А.К.Быков, А.Н.Леонтьев, А.Я.Данилюк, Б.Т.Лихань, В.А.Сластенин, В.П.Беспалько, В.П. Пугачев, Г.А.Ромм, Г.Ю.Беляев, Д.В.Ольшанский, Е.В.Дьяченко, Е.П.Ильин, Е.Н.Шиянов, И.В.Усольцева, И.З.Гликман, И.Ф.Исаев, Л.А.Терехина, Л.Е.Никитина, Л.И.Гриценко, М.А.Мефодьева, Н.И.Приходько, Н.П.Огарев, Н.С.Глуханюклар баркамол авлод тарбиясининг устувор йўналишлари, комил инсонни шакллантириш хусусиятлари тарбия назарияси ва амалиёти муаммолари ўрганилган.

Жаҳон олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тайёргарлаш масалалари Jean Piaget, Belezza,S.W. Cadran, A.Jeckon, Beckerman, Winston, Nicholson, Jeff Halstead, Tetsuo Isozaki Hiroshima каби олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

амалий тадқиқотлар доирасига киритилган.“Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот дастури ҳамда Гулистон давлат университети Педагогика ва психология кафедрасининг “Узлуксиз таълим тизимида маънавий-касбий баркамол шахс тарбияси” режа-дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимли ёндашув асосида муаммонинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, унинг ечимига қаратилган шакл, метод ва омилларини белгилаш;

бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини инновацион-аксиологик ёндашувларни таълим-тарбия жараёнига интеграциялаш мазмуни, шарт-шароитлари, омиллари, воситаларини педагогик имкониятларини кенгайтириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига қўйиладиган маънавий-ахлоқий сифатлар мазмунини, устоз-шогирд мактаби фаолияти асосида аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тайёргарлаш моделини, шахсий-касбий сифатларини такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда адабиётлар таҳлили, назарий-қиёсий таҳлил, анкета сўрови, педагогик кузатув, суҳбат, педагогик социометрия, аҳамиятига қараб саралаш (ранжирование), тажриба-синов натижаларини математик-статистик умумлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари, умуминсоний қадриятлар интроризациясининг когнитив ва ҳиссий ижтимоий ва шахсдаги индивидуалликнинг диалектик бирлиги билан трансформациялаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятига хос хусусият ва фазилатлари динамикаси, инсонпарварлик, билимдонлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, болажонлик компонентларини, факторли таҳлил ҳамда статистик ахамиятини аниқлаштириш орқали такомиллаштирилган;

“Устоз-шогирд” мактаби фаолиятида бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий сифатларини касбий фаолият профессограммасини шахсий-касбий сифатларга ўзаро оптималлаштириш асосида кенгайтирилган;

бўлажак ўқитувчиларни маънавий –ахлоқий тайёргарлиги тизими модели шахсий ва касбий сифатларни ўзаро оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлашнинг модуллаштириш механизми: бир мавзу ва бир соатга мўлжалланган кичик модул-блок ҳамда ушбу модул тўпламидан иборат макромодуллар тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг тарбиявий фаолият юритиш профессиограммаси ва уларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлашнинг педагогик-психологик, аксиологик омиллари самарадорлигини баҳолашамалиётга жорий этилган;

бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини такомиллаштириш мезонлари, омил, шакл ва усуллари “Тарбиячи касб фаолиятида инновацион технологиялар” ўқув-услубий қўлланмаси мазмунига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога доир фалсафий, методологик, методик, аксиологик, психологик ва педагогик ёндашувлар ҳамда маънавий-касбий ривожлантиришга доир миллий ва хорижий тажрибалар асосида гуруҳ ва микрогуруҳ мураббийлари тарбиявий фаолиятининг натижаларидан келиб чиқиб илмий-амалий асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизими назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги; талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатини ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш модели ва такомиллаштирилган модуллар (кичик модул, бирламчи модул, макромодуллар), умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, узлуксиз таълим тизимида тарбиявий соатлар, ахборот соатлари, тадбирларни лойиҳалаштиришда, одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, олий таълим тизими ўқитувчи кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий натижалари:

аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий сифатларини умуминсоний қадритялар асосида таклмиллаштиришга оид таклифлар “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 15 февралдаги 2-540-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари «Педагогика соҳаси» Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 7.01.2020й. №18-03-70 сонли маълумотномаси). Натижада, педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун такомиллаштирилган ўқув дастурлари ва дарсликларни яратишда фойдаланилган;

бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятига хос хусусият ва фазилатлари динамикасини такомиллаштиришга оид таклфилар “Ўзстандарт” агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари «Педагогика соҳаси» Давлат таълим стандарти, малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғи). (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 7.01.2020й. №18-03-70 сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур компетенциялар педагогика олий таълим муассасалари талабаларини касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилган;

“Устоз-шогирд” мактаби фаолиятида бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий сифатларини кенгайтириш ва бўлажак ўқитувчиларни маънавий – ахлоқий тайёргарлиги тизими моделига оид таклифлар 2012-2014 йилларда бажарилган ИТД-4-122-рақамли “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа иш режаси асосида юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг диагностик технологияларини ишлаб чиқиш мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида талабаларнинг маънавий-ахлоқий тайёргарлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 январдаги №18-03-70 сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклифлар олий таълим муасссасаларида “Устоз-шогирд” тизими асосида ташкил этиладиган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жумладан, 22та республика, 6та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган ва маъқулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 4та, республика журналларида 10та, хорижий журналларда 5та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 160 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган,тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганли-ги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Ишнинг биринчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тайёргарлигини тизимли такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, унда миллий мустақиллик тафаккури ва талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантиришнинг ўзаро алоқадорлиги, бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёргарлиги тизимини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик, аксиологик омиллари ҳамда ўқитувчи, талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантириш ҳолати баён этилган.

Ўзбек халқининг педагогик фикр тарихи ва тараққиётида инсонпарварлик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик фазилатлари барча даврларда тарбиянинг асосини ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим-стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августади 343-сон қарорига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида”ги 3-сони Қарорида олий таълим муассасаларининг педагогик таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари: педагогик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий бошқарув фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олиши кўрсатиб ўтилган.

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, айнан давлат таълим стандартларида белгиланган маънавий-маърифий фаолият йўналишни қамраб олади. Бу муаммоларнинг ечими бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш заруратини белгилайди. Тарбия жараёнига оид барча тамойиллар, қонуният ва методларнинг манбаи миллийликда ифодаланиб, миллий мансублик, яъни миллий характер хусусиятлари мазмуни миллий одоб, миллий орият, миллий ғурур, миллатга хос ватанпарварлик туйғуси, ирода ва виждонийликни ўзида мужассам этади.

Тарбия жараёни ва бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш феномени кенг қамровли тушунча бўлиб, унга илмий ёндашув асосида ўзбекона миллий тарбия ва умуминсоний тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари назарий таҳлил этилган.Хусусан, З.Фрейд назариясида қайд этилишича, “... бола эҳтиёжларга эга бўлган мавжудот бўлиб, ожизлиги туфайли ўз ғайратини бошқара олмайди”[1]. Кўринадики, З.Фрейднинг қарашларида боланинг ёш, жинс ва индивидуал-руҳий хусусиятлари ҳамда жисмоний имкониятларини назарда тутилмаган. Ж.Г.Мид қарашларига кўра эса “....ижтимоий мавжудот сифатидаболалар,

биринчи навбатда, атрофдагиларнинг ҳаракатига тақлид қилиб ривожланади. Тақлид шаклларидан бири ўйин ҳисобланади. Ўйинларда кўпинча болалар катталарга тақлид қиладилар”[2]. Аммо ушбу назарияда ҳам бола тарбиясига хос хусусиятларни шахслашув мазмунида ифода этилишида бир томонламалик сезилади. Шарқ ва Ғарб тарбия маданиятини қиёслаб ўрганган олимлар Ҳ.Абдукаримов, М.Ашуров, М.Қуронов, О.Мусурмонова, Х. Ибрагимов. Ш. Абдуллаева, Н. Эгамбердиева, Б. Рахимов, Д. Рўзиева,З. Солиева, Ш. Олимов, А.Холиқовларнинг билдиришича, шарқона ахлоқий қадриятлар анъанавийликка таянилса, ғарбона хулқ-атвор эса индивидуалистик характер касб этади. Хусусан, Х.И. Ибрагимов ва Ш.А. Абдуллаевалар тадқиқотларида тарбия жараёни кўп қиррали, узоқ муддатли, яхлит ҳолда ва концентрик асосда амалга ошиши, икки томонлама хусусиятга эга эканлиги ҳамда қарама-қаршиликларнинг кўплиги билан таълимдан фарқ қилувчи томонлари борлигини асослаб кўрсатилган. Биз ҳам ушбу олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда,эътиборни алоҳида кўзга ташланадиган фарқларга қаратдик.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “такомил”, “такомиллашмоқ” сўзи арабча камолга етиш, мукаммаллик, бир бутун бўлиб бирлашиш, ривожланиш, деб изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, бизнингча, бўлажак ўқитувчини тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини такомиллаштириш тарбиявий жараённи ташкил этиш ва амалга оширишда риоя қилиниши зарур бўлган педагогик талаб, йўл-йўриқлар, омиллар, шарт-шароитлар ва методларни сайқаллаб мукаммал тизимли амалга оширишдир. Бунда тарбия технологияси муайян ғоя ва мақсад асосидаталабада зарур сифат ҳамда фазилатларни шакллантириш жараёнидан иборат, бунда маънавий-ахлоқий тайёргарлик эса нафақат ақлли, илмли, билимли, балки эгаллаган илм ва билимини эзгулик, яхшилик, меҳр-мурувват учун сафарбар қила олишидир. Демак, бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлиги айнан шу сафарбарликда, ўзини бағишлай олишда, ўз ташвиши билан эмас, ўзгалар дарди, халқ ва Ватан дарди билан ёниб яшашидадир. Ўқитувчида касбий фаолиятига хос фидойилик бўлса, чинакам донишманд даражасидаги инсон ҳисобланади.

Таъкидловчи эксперимент жараёнида олинган дастлабки маълумотлардан 15-18 фоиз болалар мактабга боришни истамаётганлиги, 26-27 фоиз болалар ва ота-оналарнинг мактаб бераётган билим ҳамда тарбиядан қониқиш ҳосил қилмаётганликлари, 7-8 фоиз болалар билим асосларини чуқур эгаллаш истагидалиги, бироқ улар ҳам ўқишга кириш учун репетитор ёллаш истагида эканлиги маълум бўлди. Бу ўқитувчи-тарбиячиларни ҳамкорлигида ота-оналар билан педагогик тарғибот ишларини олиб бориш зарурлигини кўрсатди.

Ўтказилган анкета сўровномалари ва педагогик кузатувлар таҳлили юқори синф, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчилари ва педагогика факультети талабаларининг иш куни камида 10-12 соатдан иборат бўлиб, шундан 8-10 соати дарс жараёни учун, 3-4 соати дарс тайёрлаш, репетиторга қатнаш, имтиҳонга тайёргарлик ишларига сарфланиши, уларнинг асосий вақти ўқишга ва ўқув топшириқларини бажаришга қаратилганлиги ҳамда “дидактикалашган” тарбияга эътибор кучайиб бораётганлигини тасдиқлади.

Тадқиқот жараёнида 112 та тарбиявий ишлар режаси ўрганилиб чиқилди, шундан 79 нафар ўқитувчи-тарбиячи ўқув йилининг бошида номига ишлаб чиққан режасини директор ёки маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг имзоси учун тайёрлаши маълум бўлди. Бунда фаолиятнинг мазмун-моҳияти, аниқ бажарилиш муддати бўйича жавобгарлик ҳисси, касбий бурч ҳамда масъулият кўпчилик ҳолларда иккинчи даражага ўтиб кетишлиги аниқланди.

Олий таълим муассасаларининг турли босқичларида 860 нафар талаба билан ўтказилган суҳбатлар ва олиб борилган кузатувлар доимий чекадиган талабалар 8,0 фоизни (70 талаба), ичкиликка мойиллиги бор талабалар 17,6 фоизни (150дан ортиқ талабани) ташкил этишини кўрсатди.Бу бўлажак мутахассисда профессионал хулқнинг бузилишига ва генофонднинг ўзгаришига олиб келиши мумкин, деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Изланишларимиз бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини такомиллаштириш давр талаби эканлигини ва тарбия жараёни маълум тизимга мувофиқ аниқ мақсадга йўналтирилган режа – дастур талабига кўра амалга ошишини заруратга айланганини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан талабаларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш ҳам маълум педагогик тизимнинг маҳсули бўлиб, у ҳозирги даврда бўлажак ўқитувчини касбий тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлашнинг мақсади, мазмуни, принциплари, қонуниятлари, уни амалга оширувчи метод, усул ва воситалар мажмуи сифатида инновацион технологик ёндашувларга асосланади.

Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари, умуминсоний қадриятлар интериоризациясининг когнитив ва ҳиссий ижтимоий ва шахсдаги индивидуалликнинг диалектик бирлиги билан трансформациялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг муҳим хусусиятлари унга мувофиқ ушбу жараённи такомиллаштиришнинг тузилмаси, яъни маънавий-ахлоқий асосларини ифодаловчи модели ҳамда педагогик вазифалар, давр талаби қўяётган объектив шарт-шароит ва педагогик-психологик омиллардан келиб чиқадиган субъектив талаблар аниқланди. Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш тизими аксиологик ёндашув асосида бир-бири билан узвий боғланган икки жараён яхлит ҳолда амалга ошиши далилланди.Таъкидловчи эксперимент натижалари таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларнинг татбиқи ва бунда кузатилган “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқитувчи-талаба” ҳамда шахслараро муносабатлар, тарбия жараёни билан боғлиқ педагогик фаолиятни муайян бир тизим ҳолда такомиллаштиришини кўрсатди.

Диссертациянинг**“Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини тизимли такомиллаштириш технологияси”** деб номланувчи иккинчи бобида, бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолияти техникаси асосида такомиллаштириш технологияси тадқиқ этилган. Педагогик техника: тарбиячи-ўқитувчининг

касбий хулқ-атворини ташкиллаштириш шакллари; тарбиячи-ўқитувчининг касбий хулқ-атвори ички мазмунининг ташқи ифодаси; ташқи ва ички мезонлари асосида касбий хулқ-атвор меъёрларига риоя қилишга қўйилган талаблар мажмуидир. Тадқиқот ишида педагогик технологияларни такомиллаштиришга оид ёндашувлар ва тарбия-таълим жараёнининг касбий моҳиятини аниқлашга қаратилган педагогик техника қуйидаги тартибда ёритилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўқувчи ва талабаларнинг педагогик техникасини намоён бўлишининг қиёсий таҳлили (жами 420 ўқувчи-талаба)

№	Қатнашчилар / Педагогик техника	Фоиз ҳисобида				
		Сирдарё педколлежи битирувчи лари	Гулистон давлат университети педагогика факультети талабалари			
		210 нафар	1-курс 52 та	2-курс 53 та	3-курс 52 та	4-курс 53та
1	Мулоқотга киришувчанлик	52	57	60	70	82
2	Ўқувчилар билан тил топа олиш	55	60	63	70	78
3	Тарбиявий ишларни режалаштириш	30	32	35	43	48
4	Ишончли муносабатлар ўрнатиш	40	44	46	51	56
5	Ибрат-намуна бўла олиш	48	55	60	74	80
6	Ота-оналар билан учрашувда фикр-мулоҳазалар билдира олиш	**7**	10	13	21	30
7	Касбий ўз-ўзини таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқара билиш	40	45	48	53	60

Кўриниб турибдики, коллеж ўқувчиси ва университет талабаларида мулоқотга киришувчанлик нисбати анча яхши.

Шунингдек, ўқувчилар билан тил топишиш техникаси коллеж битирувчиларида 55 ва талабаларда 78 фоизни ташкил этган. Аммо тарбиявий ишларни (тарбия дарслари ва тадбирларни) мустақил режалаштириш ҳар иккала муассасада ҳам 50 фоизга етмади. Бу ҳолат шакллантирувчи экспериментга оид тадқиқотларимиз, технологик жараённинг қанчалик самарали бўлишибўлажак тарбиячи-ўқитувчининг педагогик техника сирларини ўзида шунчалик мужассам эта олиши билан боғлиқ эканлигини, ўқувчи – талабанинг педагогика фанидан олган амалий билимларини амалиёт олди тайёргарлик жараёнида қайтадан таҳлил этиб, ўқитувчи-олимлар, методист мутахассислар ҳамкорликда инновацион ёндашувлар асосида керакли тавсиялар беришлари зарурлигини кўрсатди.

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини тизимли такомиллаштиришни ифода этувчи мавзулар модуллар кўринишида ўрганилди. Ҳар бир мавзу кичик модул кўринишида, яъни тарбия технологиясига хос бирликларни ўз ичига олиб, интерфаол методларнинг элементларини ўзида акс эттирди.

Тарбия технологиясига оид мавзуларни (материалларни) кўриб ўтилган тартиб асосида модуллаштириш тарбия мақсади самарадорлигини таъминлашда қатор қулайликларни яратиш имкониятини берди: ўқитувчиларнинг тарбиявий

фаолиятини тизим ҳолига келтириб, илмий-амалий асосда ташкил этиш; тарбия асосида таълим жараёнини такомиллаштириш; “ўқувчи– тарбиячи”, “тарбиячи – ўқувчи” ҳамкорлигини “субъект –субъект” муносабатлар даражасига кўтариш; вақт бюджетидан унумли фойдаланиш; тадбир ўрнида тарбиявий ишларни (тарбия дарсларини) жорий қилиш; технологик жараёнда ўқувчи – талабанинг ижтимоий фаоллигини ошириш; малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш.

Тадқиқот мақсадига мувофиқ таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи асосида педагогик билимлар ривожи ҳамда педагогик фаолият моҳияти ўрганилди. Бунда тарбиячи-ўқитувчининг касбий шаклланиши муайян индивидуал сифатлар ва шахсий-касбий сифатлар даражасига боғлиқ бўлиб, изланишларимиз натижаларига кўра ушбу сифатлар иродавий, интеллектуал, ҳиссий, амалий ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш лаёқати кабилардан таркиб топиши аниқланди. Кузатувларимиз, бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини такомиллаштиришга оид тушунчаларнинг яхлит модулини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатди. Бу жараён интегратив характерга эга бўлиб, бўлажак ўқитувчидан алоҳида билим талаб қилиши билан бирга, маълум маънода талабаларни тушунчалар таҳлили асосида ишлашга ўргатишни ҳам тақозо этади. Талабалар билан ўтказилган суҳбатлар тушунчалар таҳлили асосида ишлашга ўргатиш ўзига хос методик билимларни талаб этишини кўрсатди. Ҳар бир тушунча мазмуни нимага қаратилганлигини талаба ўз вақтида англаб етсагина, унда ватанпарварлик туйғуси ва миллий қадриятларга ҳурмат ортиб боради.

Талаба учун тарбиявий фаолиятга оид ҳар бир тушунча унинг мантиқий тафаккурининг ривожланишига, шу асосда аналитик тафаккурга мувофиқ таҳлилий (илмий, ўқув-тарбия, методик ва амалий, ўз-ўзини тарбиялаш) қобилиятларнинг ривожланишига асос бўлади. Инновацион педагогик омиллар моҳияти ҳам айнан анашу тушунчалардан янгилик яратишга асосланади. Шунга мувофиқ тадқиқот жараёнига хос инновацион ёндашувнинг моҳиятиқуйидагича тартибланди: тарбиявий фаолиятга оид тушунчалар таҳлили; ушбу тушунчаларни эгалланаётган билимлар мазмунига татбиқ этиш; тушунчалардан тарбиявий фаолиятга оид янгиликлар яратиш; маниқий тафккур ривожи; инновацион ёндашувнинг моҳияти; аналитик тафаккур ривожи; педагогик-психологик омиллар; педагогик қобилиятнинг ривожланиши; мутахассислик фанлари ва методикага оид омиллар.

Тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг тарбиявий фаолиятида тарбиячига хос ижобий ҳамда ижодий сифатлар тартиби; тарбиячилик маҳоратини оширишга бўлган интилиш; педагогик тафаккурнинг ўсиб бориши, тарбиявий самарадорликни олдиндан башорат қилиш; тарбия жараёнига янгича қараш, янгиликни татбиқ этиш; тарбия олувчининг қарашлари, муносабати ва унинг натижасини кўра билиш аниқланди ва бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини такомиллаштиришга оид таҳлиллар тизимли, инновацион, аксиологик ёндашувларни қиёсий ўрганиш асосида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашни маънавий-ахлоқий хусусиятларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди, ушбу

моделда бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг таркибий тузилмаси, концептуал асослари кенгайтирилди ва тизимлаштирилди (1-расмга қаралсин).

1-расм



1-расм: Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини такомиллаштириш модели

Мазкур модел шахсга йўналтирилган таълим жараёнида таълим ва тарбияни бирлиги принципи негизига қурилган бўлиб, унда бўлажак ўқитувчи-тарбиячининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари асос сифатида олинган. Бўлажак ўқитувчининг тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлик сифатини ошириш унинг мазмуни билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунинг учунпедагог, аввало, назарий ва амалий билимлар синтезини таъминлаши зарур. Педагогик билимлар педагогик техника ва педагогик технологиялар билан интеграциялангандагина таълим-тарбия жараёни самарадорлиги таъминланади.

Шундан келиб чиқадики, тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчи-тарбиячининг касбий педагогик, психологик, технологик фаолиятитузилмаси асосида бўлажак ўқитувчи-тарбиячи шахсининг тарбиявий фаолияти профессиограммаси ва шунингдек,ишда инновацион жараёнда тарбиячи ва

ўқитувчи фаолиятини баҳолаш мезонлари тарбиячи-ўқитувчи шахсининг уйғунлаштирилган тарбиявий фаолияти структурасининг алгоритми ва профессиографик тажрибалари асосида тарбиявий ишлар тизимлаштирилди ва шу асосда “Устоз-шогирд” мактаби низоми такомиллаштирилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тайёргарлигини тизимли такомиллаштиришга оид тажриба-синов ишларининг йўлга қўйилиши ва уларнинг натижалари**”деб номланган бўлиб, унда бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш мазмуни, унинг таъсирчан шакл ва усуллари, тажриба-синовдан ўтказилган натижалар умумлаштирилиб, самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди.

Тадқиқот ишлари 2008 - 2019 йиллар давомида уч босқичда амалга оширилди; биринчи – таъкидловчи эксперимент босқичида (2008 – 2011 йй.) мавжуд ҳолати ўрганилди (860 нафар талабалар, 212 нафар ўқитувчилар иштирок этди). Иккинчи – шакллантирувчи эксперимент босқичида (2011 – 2014 йиллар) тадқиқот ишининг методикаси ишлаб чиқилди, ишлаб чиқилган методикага асосан тадқиқот ишлари амалга оширилди (200дан ошиқ дарслар, тарбиявий тадбирлар таҳлил қилинди, 420 дан зиёд талабалар иштирок этди) бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга оид инновацион педагогик омиллар аниқланди. Учинчи-якунловчи эксперимент босқичида (ГулДУ, БухДУ, ФарДУ педагогика факультетининг 336 нафар талабалари иштирокида, 2014-2019 йй.)олинган маълумотлар математик-статистик метод ёрдамида таҳлил этилди; натижалар умумлаштирилиб, самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди, тадқиқот иши юзасидан умумий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунга кўра ҳар бир босқичнинг ташқи ҳамда ички (рефлексив) хусусияти тадқиқ ва татбиқ этилиб, тарбиячи касб фаолияти технологиясинингдинамикасига асосланган ҳолда қуйидагича ифодаланди (2-жадвал).

2-жадвал.

Тажриба охиридаги олинган натижалар бўйича ҳисоб жадвали:

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятига хос касбий фазилати ва хислатлари мезони	$\chi^2_{кузатув}$	$\chi^2_{критик}$	Ўртача қиймат		Самарадорлик	Хулоса
			Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи		
1. Билимдонлик	76,31	5,99	4,08	3,63	1,13	H_1
2. Инсонпарварлик	77,65	5,99	4,07	3,62	1,13	H_1
3. Болажонлик	78,52	5,99	4,06	3,60	1,13	H_1
4. Касбий масъулият	78,08	5,99	4,05	3,59	1,13	H_1
5. Касб бурчига содиқлик	79,04	5,99	4,04	3,57	1,13	H_1
6. Сабр-тоқатлилик	80,04	5,99	4,03	3,56	1,13	H_1
7. Ширинсуханлик	79,86	5,99	4,02	3,55	1,13	H_1
8. Камтаринлик	79,70	5,99	4,01	3,54	1,13	H_1
9. Тил ва дил бирлиги	78,24	5,99	4,00	3,53	1,13	H_1
10. Ижодий изланувчанлик	78,13	5,99	3,99	3,52	1,13	H_1
11. Касбий маҳорат	79,28	5,99	3,98	3,51	1,13	H_1
12. Юксак маданият	77,79	5,99	3,97	3,50	1,13	H_1
Умумий	78,37	5,99	4,02	3,56	1,13	H_1

Бундан кўринадики, танланган тажриба гуруҳларида олиб борилган тажриба-синов ишлари назорат гуруҳига нисбатан 1,13 бараваргача самарали бўлиб, уларнинг умумий ўртача ўсиши 13 фоизга юқори эканлиги математик статистик усуллар билан исботланди (2-расм).

2-расм



2-расм. Шахсий – касбий сифатлар изчиллиги ҳамда уйғунлиги бўйича ўзлаштирилганлик кўрсаткичи

Талабаларнинг педагогик амалиёт жараёнида тарбия дарслари ва тарбиявий тадбирларни инновацион-акциологик ёндашувлар асосида режалаштира олиш даражалари бўйича хисоб ишларини келтирилди (3-расм)

3-расм.



3-расм. Талабаларнинг педагогик амалиёт жараёнида тарбия дарслари ва тарбиявий тадбирларни инновацион-аксиологик ёндашувлар асосида режалаштира олиш даражаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4-расм.



4-расм.Олиб борилган тадқиқот ишларининг самарадорлик кўрсаткичлари

